



PEDAGOGIK MAHORAT

MS
2021



Лола ЭЛИБОЕВА

Бухоро давлат университети
педагогика кафедраси катта ўқитувчиси

БЎЛАЖАК БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ ОШИРИШДА ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Мақолада бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини ошириши педагогик муаммо эканлиги асосланган, бўлажак педагогларнинг педагогик маҳоратини оширишида интерфаол таълим методларининг ўрни ва аҳамияти баён этилган.

Калим сўзлар: интерфаол методлар, педагогик маҳорат, бошлангич синф ўқитувчи, пассив ўқитши модели, фаол ўқитши модели, интерфаол ўқитши модели.

Статья основана на том, что повышение педагогического мастерства будущих учителей начальных классов является педагогической проблемой, роль и значение интерактивных методов обучения в повышении педагогического мастерства будущих учителей.

Ключевые слова: интерактивные методы, педагогические навыки, учитель начальных классов, модель пассивного учителя, модель активного обучения, модель интерактивного обучения.

The article is based on the fact that improving the pedagogical skills of future primary school teachers is a pedagogical problem, the role and importance of interactive teaching methods in improving the pedagogical skills of future teachers.

Key words: interactive methods, pedagogical skills, primary school teacher, passive teacher model, active teaching model, interactive teaching model.

Кириш. Янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонунда Янги Ўзбекистонни барпо этиш шароитида юксак маънавий–ахлоқий салоҳиятга, замонавий касб–кор малакаларига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, мантиқий тафаккурга эга бўлиб, ҳаётдаги муаммоларнинг оқилона ечимини топиш маҳорати билан қуролланган, давлат ва жамият вазифаларини одилона баҳолай оладиган мутахассисларнинг янги авлодини тайёрлаш, шунингдек, ҳар томонлама баркамол, таълим ва касб–хунар дастурларини онгли равишида мукаммал ўзлаштирган, масъулиятни чуқур хис қиласидан кадрларни тарбиялаб вояга етказиши назарда тутган ижтимоий–педагогик ғоя илгари сурилган. Бошлангич синф ўқитувчиларини тайёрлайдиган ўкув юртларидаги бўлажак кадрларда ижодий ва мантиқий фикр юритиш кўникмаларини шакллантириш, таълим–тарбия шакллари ва усулларини янгилаш ва бойитиш долзарб вазифага айланган.

Асосий қисм. Ҳар қандай мураккаб замонавий ахборот коммуникация технологиялари, интеграциялар, фан соҳасидаги оламшумул янгиликлар аввало ўқитувчи томонидан ўзлаштирилиб, сўнгра унинг билими, савијаси, қобилияти эвазига ўқувчилар онгига ва тафаккурига етказилади. Ўқитувчига нисбатан қўлланиладиган “педагогик маҳорат” атамаси ҳеч қачон ўз мавқеини ўйқотмайди, балки тобора такомиллашиб, бойиб ва замон талабларига мос ўзгариб бораверади.

Барча касб–корлар тизимида ўқитувчилик касби муҳим ижтимоий аҳамият касб этади. Зеро, ўқитувчи ёш қалблар камолотининг меъморидир. Бугун у ёшларни ғоявий–сиёсий жиҳатдан чиникириб, табиат, жамият, тафаккур тараққиёти, қонуниятларини ўргатар экан, аввало, у ёш авлодни келажак меҳнат фаолиятига тайёрлаши, касб–хунар эгаллашларига қўмаклашиши ва жамият учун муҳим бўлган ижтимоий–иктисодий вазифани ҳал этишга чоғламоғи даркор. Ана шу маъсулият ўқитувчидан ўз касбининг моҳир устаси бўлишни, ўқувчи–ёшларга тарбиявий таъсир қўрсатиб, уларнинг қизиқиши, қобилияти, истеъоди, эътиқоди ва амалий кўникмаларини ҳар томонлама ривожлантиришнинг оптимал йўлларини излаб топадиган касб эгаси бўлишни талаб этади. Бунинг учун педагогик маҳорат фани ўқитувчидан доимо касбий маҳорати устида изланиш учун, унга турли шарт–шароитлар яратиши, керакли моддий ва илмий–методик ёрдам қўрсатиши ҳамда ўқитувчининг ижодий ташаббускорлигини оширишига қўмаклашади.

Педагогик маҳорат - бу ўқитувчи–тарбиячининг шундай шахсий (болажонлиги, хайриҳоҳлиги, инсонпарварлиги, меҳрибонлиги ва ҳ.к.) ва касбий (билимдонлиги, зукколиги, фидойилиги, ижодкорлиги, эрудитсияси ва ҳ.к.) фазилатларини белгилайдиган хусусиятни, у ўз ўкув фанини чуқур ва атрофлича билишида, педагогик–психологик ва методик тайёргарлигига, талаба–ёшларни ўқитиши, тарбиялаш ва ривожлантиришнинг оптимал йўлларини излаб топиб, амалий фаолиятга қўллашида намоён бўлади.

“Педагогик энциклопедия”да педагогик маҳорат атамасига қўйидагича изоҳланган: “Ўз

касбининг мохир устаси бўлган, юксак даражада маданиятли, ўз фанини чукур биладиган, ёндош фанлар соҳаларини яхши таҳлил эта оладиган, тарбиялаш ва ўқитиш услубиятини мукаммал эгаллаган мутахассис”. Ушбу таърифнинг моҳиятидан келиб чиқиб ўқитувчининг педагогик маҳорати тушунчаси мазмунини шундай изоҳлаш мумкин:

1. Маданиятнинг юқори даражаси, билимдонлик ва ақл заковатнинг юксак кўрсаткичи.
2. Ўз фанига доир билимларнинг мукаммал соҳиби.
3. Педагогика ва психология каби фанлар соҳасидаги билимларни пухта эгаллаганлиги, улардан касбий фаолиятида фойдалана олиши.
4. Ўқув-тарбиявий ишлар методикасини мукаммал билиши.

Ушбу масъулиятли вазифалар ўқитувчидан ўз касбининг мохир устаси бўлишни, ўқувчиларга тарбиявий таъсири кўрсатиб, уларнинг қизиқиши, қобилияти, истеъоди, эътиқоди ва амалий кўнилмаларини ҳар томонлама ривожлантириш йўлларини излаб топадиган касб эгаси бўлишни талаб этади.

Бунинг учун доимо ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини, кўнилма ва малакаларини ошириб бориш, уларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш, зарур шарт-шароитлар яратиш, керакли моддий ва илмий-методик ҳамда техник ёрдам кўрсатиш, ўқитувчиларнинг ижодий ташаббускорлигини мунтазам ошириб боришига кўмаклашиш лозим.

Шундай қилиб, педагогик маҳорат эгаси бўлиш учун ўқитувчи ўз ўқув предметини давр талаблари асосида билиши, педагогика, психология, методика фанларини мукаммал ўзлаштириши ҳамда инсонийлик, меҳнатсеварлик ва фидойилик каби маънавий–ахлоқий фазилатларни ўзида таркиб топтириши лозим.

Шу ўринда эътироф этиб ўтиш жоизки, педагогик маҳорат ўқитувчи-тарбиячи касбий ва шахсий фазилати тўғрисидаги фан сифатида маълум методологик асосга эга. Дарҳақиқат, ўқитувчи касбий маҳоратини шакллантиришнинг илмий–назарий, методологик ва амалий йўналишлари Ю.П.Азаров, Т.И.Гоноболин, А.К.Кузмина, О.А.Абдулина, А.В.Мудрик, Н.В.Кухарев, В.А.Селастёни, В.А.Кан – Калик, Н.Д.Никандров, А.В.Петровский, Умар аз Замахшарий, Бурхониддин Зарнуджий, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, М.Очилов, К.Зарипов, В.А.Крутетский, Ж.Г.Йўлдошев, Э.Фозиев, У.Маҳкамов, А.Холиков, Б.Ходжаев ва бошқаларнинг илмий асарларида ёритилган. Уларнинг таъкидлашларича, ўқитувчи ўз фанининг билимдени бўлиши билан бирга, инсонпарвар, адолатли бўлиши, миллий тарбия тарғиботчиси ҳамда комил инсон сифатида ўзида шахсий–касбий сифатларни таркиб топдирган касб эгаси бўлиши лозим.

Хозирги замон хорижий олимлар илмий педагогик тадқиқотлари таҳлилига кўра, ўқитувчининг касбий маҳоратини ошириш муаммоларини ҳал етиш қўйидагича талқин этилади:

- ўқув-тарбиявий жараённи ташкил этишнинг энг кулай усулларини топиш ва жорий этиш;
- ўз меҳнатини мунтазам илмий асосда ташкил эта олиш;
- ўқитувчи педагогик қобилиятини ва педагогик маданиятини ошириш: педагогик муаммоларни мохирона ҳал этиш йўлларини такомиллаштириш;
- амалий ва назарий билимларни доимий ошириб бориш;
- касбий ижодкорликни узлуксиз ривожлантириш.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Шарқ ва Farb олимлари томонидан таҳлил қилинган ўқитувчи касби ҳақидаги кўпгина мулоҳазалар ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини сақлаб келмокда, демак миллати ва келпб чиқишидан қатъий назар аждодлар меросини такомиллаштириш эвазига ҳозирги кунда таълим ва тарбияни янада юксак босқичларга кўтариш мумкин.

Олий таълимнинг ривожланган ахборот майдони жуда мураккаб тизим бўлиб, у идеал тарзда ўқув жараёни сифатини ошириш мақсадида муассасанинг барча тузилмаларининг самарали ўзаро алоқалари учун шароит яратishi керак. Бўлажак мутахассисларнинг касбий маҳоратини ошириш учун барча педагогик имкониятлар, моддий-техника, молиявий, вакт ва бошқа ресурслардан самарали ва унумли фойдаланиш талаб этилади.

Замонавий педагогика фани таълим мазмунини янгича таҳлил қиласди. Педагогик амалиётда ахборот технологиялари ҳали ҳам устун бўлиб келмокда, жамиятнинг объектив эҳтиёжлари эса шакллантирувчи ва шахсга йўналтирилган технологияларни кенг жорий этиш муаммоси долзарб бўлиб ҳисобланади. Таълим жараёнини модернизациялаш нафақат ўзлаштирилган фанларнинг мазмунини ўзгартиришга, балки ўқитиш методларига ёндашувларни такомиллаштиришга, ўқув жараёнида талабалар фаолиятини фаоллаштиришга, ўзлаштирилган назарий маълумотни амалиётга қўллаш қобилиятини шакллантиришга қаратилган.

Олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, репродуктив ёндашувларнинг кенг тарқалиши талабаларнинг аксарият қисми ўрганишга бефарқ муносабатни, учиндан бирида - салбий муносабатни шакллантиради. Шу муносабат билан, таълим жараёнида талаба таъсир кўрсатувчи субъект эмас, балки мустақил равишда керакли маълумотларни топиши, маълум бир мавзу бўйича тенгдошлари билан фикр алмашиши, баҳс- мунозараларда қатнашиши, турли ролларни ижро этиши, далилларни топиши ва таржима қилиши жуда муҳимдир.

Талабаларнинг коллектив маданиятини шакллантириш зарурияти ҳаётнинг ўзи, хусусан, замонавий жамоат талабалар - бўлажак ўқитувчиларнинг умумий таълимига қўядиган ижтимоий буюртма билан белгиланади. Ушбу тартиб ижтимоий фаол, ташаббускор ижодий шахсни тарбиялаш, ҳар бир талабанинг қизиқиши ва индивидуаллигини ривожлантиришдан иборат. Индивидуал ва дифференциал ёндашув асосида талабаларнинг қизиқишилари доираси ва умумий маданиятини кенгайтириш учун ўкув жараёнида қўлланиладиган энг мақбул ташкилий шакллар, методлар ва ўқитиши услубларини танлаш зарур.

Талабалар фаоллигини ошириш муаммолари ҳозирги замон педагогика фани ва амалиётининг энг муҳим муаммолари сирасига киради. Ўқитувчилар учун яратилган замонавий дарслклар, ўкув қўлланмалари талабаларнинг фикрлаш, диққат ва бошқа фаолият турларини шакллантириш учун дарс тайёрлашга имкон беради. Сермаҳсул дарс нафақат мутлақ ва мустаҳкам билимларни, балки уни ҳар қандай вазиятларда ишлатиш, мустақил равишда билимларни эгаллаш ва масалаларни ечишда тажриба шакллантириш қобилияtlарини ривожлантириши керак. Шу муносабат билан талабаларнинг интеллектуал, жисмоний, ҳиссий-иродавий, билим қобилияtlарини ривожлантириш бўйича аниқ мақсадга қаратилган ишларнинг долзарб масаласи мавжуд. Ушбу муаммони ҳал қилишда энг яхши натижаларни факат ўкув жараёнида талабаларнинг фаол позицияси мавжуд бўлганда олиш мумкин.

Ўкув фаолияти жараёнида талабаларнинг ташаббускорлик принципи дидактикада асосий тамойиллардан бири бўлган ва бўлиб қолмоқда. Ташаббускорлик муҳим мотивация даражаси, билим ва кўнікмаларни ўзлаштиришга онгли эҳтиёж, самарадорлик ва ижтимоий меъёrlарга риоя қилиш билан тавсифланадиган фаолиятни англатади. Бу ўзи тез-тез пайдо бўлмайди, лекин мақсадга мувофиқ ўзаро таъсир ва педагогик муҳитни ташкил этиш натижасида, яъни ўқитувчи иш тизимида педагогик технологияларни қўллаш натижасида вужудга келади.

Ўқитиши жараёни ўқитувчи учун ҳам, талаба учун ҳам ўзаро қизиқарли ва мазмунли бўлиши учун машғулотларни режалаштириш қандай зарур?

Анъанавий педагогика ҳар қандай методларни таклиф қиласди, масалан, маъсулиятни тарбиялаш, мотивацияни ривожлантириш, ўкув материалини таълим имкониятларига мослаштириш ва х.к. Аммо замонавий таълим муҳити таълимнинг ўзаро таъсирининг янги шаклларини излашни ва ривожлантиришни талаб қиласди.

Таълим самарадорлиги ҳар доим ўқитувчиларни тайёрлаш сифати ва узлуксизлигига боғлиқ. Бугунги кунда ўқитувчи ҳали ҳам ўкув жараёнининг ҳал қилувчи бўғини бўлиб қолмоқда, аммо ахборот технологиялари ва таълимнинг интеграцияси ўқитувчининг янги ролини шакллантиришга ёрдам беради. Юқори технологияли муҳитда ўқитувчи нафақат маълумот ва академик фактларнинг қалитидир, балки ўқувчиларга ўкув жараёнини ўзи тушунишига ёрдам беради. Ўқитувчи талабаларга керакли маълумотни топишда, унинг берилган талабаларга мувофиқлигини аниқлашда, шунингдек, ушбу маълумотлардан келиб чиқадиган муаммоларга жавоб бериш ва мураккаб саволларни ечишда фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини тушунишда ёрдам беради.

Олий ўкув юртларида ўқитишининг интерактив шакллари ўқитувчиларга ўкув материалларини тежаш ва такомиллаштириш, ўқитишининг янги инновацион усулларини рағбатлантиришга имкон берадиган замонавий жараённи ташкил этиш воситаларига таянади.

Таълим тизимини модернизациялаш ва уни шахс имкониятларига тўлиқ мослаштиришга кўмаклашувчи замонавий таълим тизимининг асосий вазифаларидан бири таълим олувчиларда ташаббускорлик, мустақиллик, креативлик сифатларини қарор топтириш ва ривожлантиришдан иборат этиб белгиланган. Шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, мутахассислар тайёрлаш тизимини модернизациялаш, педагогик фаолият самарадорлигини таъминлашнинг асосий шартларидан бири - уларда касбий фаолиятга нисбатан креатив ёндашувини ривожлантиришдан иборат.

Муҳокама ва натижалар. Бўлажак ўқитувчиларда педагогик маҳоратни ривожлантиришнинг зарурлиги ўзаро фаол муносабатлар таъсирида ривожланадиган кўнікмаларни шакллантириш имконини беради. Бу эса олий таълим муассасаларидағи таълим муҳити, ўқитиши шарт-шароитлари ва

методларининг интерфаол характер касб этишини таъминлашни талаб қилади. Интерфаол таълим жараёнларини ташкиллаштиришнинг касбий-ижтимоий зарурати қўйидагилардан иборат:

- креатив фаолиятга бўлган эҳтиёжнинг мавжудлиги;
- касбий тайёргарлигининг такомиллашуви;
- интерфаол таълимнинг самарали жиҳатлари;
- ўқитиши моделлари ва таснифланиши.

Бугунги кунда ўқитувчининг шахсияти ва фаолиятига бўлган талаблар билан олий таълим муассасалари битирувчиларининг тайёргарлик даражалари орасида сезиларли зиддиятлар кузатилмоқда. Шу билан бир қаторда ўқитувчилар тайёрлашнинг мавжуд тизими билан бўлажак ўқитувчи фаолиятининг касбий-ижодий тавсифи орасида ҳам номутаносибликлар кузатилмоқда. Бунинг натижасида ўқитувчилар билан таълим оловчилар орасида тўсиқлар ва бўшлиқ вужудга келди, ўқитувчининг таълим жараёнидаги якка хукмронлиги қарор топди. Шу билан бир қаторда, улар аксарият ҳолларда, асосан, ўқув дастурлари ва дарсликларга боғланиб қолдилар, уларнинг креатив фаолиятларини ривожлантиришга етарлича эътибор қаратилмади. Бу эса, ўз навбатида, ўқитувчилик касбининг ижтимоий мавқеи ва обрусига путур етказди. Чунки бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш тизими жамият эҳтиёжлари ва унинг ўтқир муаммоларидан узоқлашган эди. Шу нуқтаи-назардан, эркин ва шахсга йўналтирилган интерфаол таълим мухитини шакллантириш, бугунги кунда педагогик тадқиқотнинг устувор йўналишларидан бири сифатида баҳоланмоқда.

Мавжуд концепцияларнинг таҳлили щуни қўрсатадики, шахсга йўналтирилган таълим жараёнида ўқитувчининг педагогик вазифалари таълим оловчиларга шахсий-ҳиссий таъсир қўрсатиш имкониятларини ифодалаб, ижтимоий маданий мухитнинг ўзгариши шароитида таълим жараёни барча субъектларининг шаклланишига таъсир қўрсатади.

Маълумки, шахсга йўналтирилган таълим жараёни репродуктив характердаги анъанавий ўқитиши тизимига муқобил тарзда вужудга келди. Унинг ўзига хос жиҳати - таълим оловчиларнинг мустақил, ижодий фаолиятларини ривожлантиришга йўналтирилганлигидадир.

Шахсга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этишга қаратилган педагогик фаолият қўйидагилар билан бевосита боғлиқдир:

- таълим оловчиларни шахсга йўналтирилган таълим жараёнига маҳсус тайёрлаш;
- маҳсулдор таълим мухитини ташкил этиш;
- муайян ўқув предметлари бўйича маҳсулдор ўқув материаллари ва дидактик топшириқлар тизимини танлаш ва лойиҳалаштириш кабилар.

Шахсга йўналтирилган таълим назарияси ўзида компетентлиликка асосланган ёндашув ҳамда лойиҳачиликка йўналтирилган муаммоли таълим парадигмаларини мужассамлаштиради. Шахсга йўналтирилган таълим назариясидаги мазкур ёндашувлар ва технологиялар таълим оловчиларда креатив тафаккурнинг турли шаклларини ривожлантиришга йўналтирилганлиги билан характерланади.

Шахсга йўналтирилган таълим технологиялари таркибида интерфаол ўқитиши методлари ва технологиялари алоҳида аҳамият касб этади.

Интерфаол таълим - бўлажак мутахассислардаги касбий билим, қўникма ва малакаларни ривожлантиришнинг энг самарали шаклларидан саналиб, унда талабаларда креативлик қобилияtlарни ривожлантиришнинг мухим омили бўлган шахс мустақиллиги таъминланади ва ривожлантирилади.

Тадқиқотчилар Л.Н.Вавилова ва Т.С.Баниналар интерфаол таълимнинг самарали жиҳатларини қўйидагича баҳолайдилар:

1. Интерфаол таълим талабалардаги билиш жараёнларини фаоллаштириш, ўзлаштирилган билим ва қўникмаларни аниқ вазиятларда қўллай олиш, ўз имкониятларини рўёбга чиқариш, ижодий изланиш имконини беради.

2. Интерфаол таълим методлари ва технологиялари - таълим оловчилардаги мотивацияни, ностандарт вазиятларда тўғри қарор қабул қила олиш қўникмаларини, тадқиқотчилик фаоллиги, креатив фикрлаш қўникмасини ривожлантиради.

3. Интерфаол таълим мухити таълим оловчиларда муаммоларни кўра билиш, таҳлил қилиш, фаол ҳаётий позицияни шакллантириш, толерантлик, ўзгалар фикрига ҳурмат, жамоадаги ҳамкорлик, ҳаётий қадриятларини ривожлантиришга қулай шарт-шароитларни яратади.

Таълим оловчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш масаласи турли даврларда турли муаллифлар томонидан ўрганилган, илмий-назарий жиҳатдан асосланган. Бунда ўқитишининг шакл, метод ва воситаларини ўзгартириш, уларни таълим оловчининг индивидул хусусиятларига

мослаштириш, таълимни маҳсус психолигик-дидактик шароитларини яратиш масалалари алоҳида ўрганилган.

Таълим назарияси ва шахс билиш фаоллигини ривожлантириш билан боғлик тадқиқотлар таҳлил этилганида, бугунги кунда педагогикада ўқитишининг бир қатор моделлари мавжудлигини кўриш мумкин бўлади. Жумладан:

1. Пассив ўқитиши модели - бу модел доирасида таълим олувчилар ўкув жараёни обьекти сифатида намоён бўладилар. Бунда талабалар ўкув ахборотларини тинглайдилар ва кўрадилар.

2. Фаол ўқитиши модели - ушбу жараёнда талабалар ўқитиши жараёни обьекти сифатида фаолият кўрсатадилар. Улар ўкув ахборотларини ўзлаштириш жараёнида мустақил ишлаш, ижодий топшириқларни бажариш ишлари билан кенг кўламда шуғулланадилар.

3. Интерфаол ўқитиши модели - мазкур ўқитиши жараёни таълим олувчиларнинг мунтазам, фаол муносабатлари ва биргаликдаги ҳаракатлари асосида амалга ошади. Ушбу жараёнда талаба ва профессор-ўқитувчи ўкув жараёнининг тент хукуқли субъекти ҳисобланади.

Кўплаб илмий манбаларни таҳлил қилиш натижасида биз касбий-педагогик таълим жараёнида амалга ошириладиган интерфаол ўқитишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга муваффақ бўлдик. Ўқитишининг интерфаол методлари ва технологиялари талабаларнинг таълимий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилади. Жумладан:

1. Интерфаол ўқитиши жараёнининг мазмуни бўлажак ўқитувчиларнинг касбий билимларни эгаллаш эҳтиёжлари билан боғлик бўлиши лозим. Бунда талабаларнинг шахсий қувватлари, нуқтаи назарлари, билим даражаларини аниқ ҳисобга олиш талаб этилади.

2. Интерфаол ўқитиши жараёнида талабалар ўз кучларига нисбатан кўшимча ишонч ҳосил қилиб, умуминсоний қадриятларни ўзлаштириб, ўз ўкув фаолиятлари учун масъулият ҳиссага эга бўладилар.

3. Тренинглар, ишchan ўйинлар ёрдамида талабалар мунтазам тарзда ўз мавқеларини аниқлашга муваффақ бўладилар. Чунки жамоавий иш шакли мунтазам тарзда ўз мавқеини аниқлаш, ўз нуқтаи назарларини қатъият билан ҳимоя қилишини талаф этади. Бунинг натижасида гурӯх аъзолари билан келишган ҳолда умумий ечимлар қабул қилинади ҳамда талабаларда яхлит команда бўлиб ишлаш, бу жараёнда ўз қобилиятларини намоён қилиш кўникмалари шакллантирилади.

4. Интерфаол ўқитиши жараёнида талабаларнинг ўзлари мустақил тарзда креатив қобилиятларини намоён қиласилар, фаол тарзда касбий сифатларни ўзлаштирадилар.

5. Талабалар ўзлари ўзлаштирган билимларни ва касбий сифатларни истиқболдаги фаолиятларида қўллаш кўникмаларини изчил тарзда эгаллайдилар.

6. Интерфаол ўқитиши жараёнида вужудга келтириладиган хайриҳоҳлик мухити, ўзаро ишонч ҳамда ҳамкорлик талабаларнинг ижодий юксалишлари учун қулай имконият яратиб, уларнинг креатив қобилиятларини мунтазам ривожлантиришга асос бўлади.

Хуласа. Юқорида баён қилинган фикрлардан келиб чиқсан ҳолда шуни айтиш мумкинки, интерфаол ўқитиши талабалар билиш фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг маҳсус шакли бўлиб, бўлажак педагогларнинг педагогик маҳоратини оширишда алоҳида мавқега эга.

Адабиётлар

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат (ўкув кўлланма). –Т., 2006.
2. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш / Монография. – Т.: “Фан”, 2004.
3. Муслимов Н.А., ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси/ Монография. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2013.
4. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши: “Насаф”, 2000. – 80 б.
5. Очилов Малла. Муаллим қалб меъмори. – Т., 2000.
6. Педагогика /Жисмоний тарбия институтлари учун дарслик. Рус тилидан таржима. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1990. – 296 б.
7. Расулов А.А., Хайдаров М.М. Ўқитишининг интерфаол методлари: Ўқув-услубий кўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015.– 47 б.
8. Сайидаҳмедов Н. Педагогик маҳорат ва педагогик технология.– Т.: ОПИ, 2003.
9. Холиков А. Педагогик маҳорат (дарслик). -Т., 2011.

МУНДАРИЖА

Бахтиёр АДИЗОВ. Креатив фикрлашга йўналтирилган таълим технологиялари	5
Ширинбой ОЛИМОВ. Таълимни технологиялаштиришнинг асосий элементи	9
Болта ХОДЖАЕВ. Олий ўкув юртларида муаммоли таълим технологиясини қўллашнинг айрим жиҳатлари.....	15
Nasiba AZIMOVA, Zarina NASIMOVA. O‘qituvchi nazokatida dilkashlik va pedagogik takt.....	20
Акбар ГУЛБОЕВ. Педагоглар фаолиятини ташхис қилишнинг назарий ва методологик асослари....	26
Qobiljon ABDULLAYEV, Nargiza BOBOMURODOVA. Qadimgi mesopatamiyadagi madaniy-ma’rifiy taraqqiyot sarchashmalari	30
Гулия ҲАБИБОВА, Умида БАҲРИЕВА. Талабаларнинг мустақил иши - таълимни ташкил этишининг етакчи шакли сифатида.....	33
Лола ЭЛИБОЕВА. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини ошириша интерфаол таълим методларидан фойдаланиш	37
O‘lmas QURBONOVA. O‘zbekiston va Finlyandiya ta’lim tizimi: muammo va istiqbollar.....	42
Гулчехра ИЗБУЛЛАЕВА. Муслиҳиддин Саъдий Шерозийнинг “Гулистон” ва “Бўстон” асари юксак дидактик манба сифатида	46
Gulnoz TOSHOVA. Pedagogik faoliyat va uni takomillashtirishda pedagog mahorati	52
Manzura OCHILOVA. Sharq mutaffakkirlari merosida oilada bolalarni axloqiy tarbiyalash.....	57
Dildora TOSHEVA. Boshlang‘ich sinflarda “Atrofimizdagi olam” fanidan “Yashil dorixona” mavzusini o‘qitishning pedagogik-psixologik imkoniyatlari.....	61
Bobomurod JO‘RAYEV. Somoniylar davrida ta’lim tizimi va mazmuni.....	65
Dilfuza RAKHMONOVA. Equirements for preschool education teacher.....	70
Matluba XOJIYEVA. TA’LIM JARAYONIDA AKSIOLOGIK TARBIYANI TASHKIL ETISHNING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	74
Нигина ИСМАТОВА. Оиласда болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланиш усул ва воситалари.....	79
Олимжон АХМАДОВ. Бухорода янги усул мактаблари фаолияти (XIX аср охири XX аср I чораги) .	83
Nilufar RAXIMOVA. Tarbiya va shaxs kamoloti	89
Gulshan SAIDNAZAROVA. Al-Buxoriyning hadislarida tarbiya masalasi	94
Нигора САЙФУЛЛАЕВА. Методика оценки развития экономического мышления у студентов вуза	98
Маърифат УМУРОВА. Мактабгача ёшдаги болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда мусиқанинг ўрни.....	103
Oybek ORTIQOV. O‘quvchi-yoshlarni milliy mafkura ruhida tarbiyalash mazmuni	109
Феруза РАМАЗОНОВА. Бўлажак ўқитувчиларда касбий эътиқодни шакллантириш педагогик муаммо сифатида	113
Olimjon AHMADOV, Dilnoza ELOVA. Buxoro bosmaxona va nashriyotlariga texnika sohasidagi yangiliklarning kirib kelish tarixidan (1920-1924-yillar).....	116
Madina BAXRAMOVA. Modulli ta’limni joriy etishning muammolari va yechimlari	120
Болта ХОДЖАЕВ, Ситора ШАРИПОВА. Талабаларнинг ўкув– билув фаолиятини активлаштиришда муаммоли таълим имкониятларидан фойдаланиш	124
Shaxlo XALILOVA. Jahon pedagogikasida pedagogik muloqotning zamонавиј uslublari va uning milliy pedagogik muloqot uslublari bilan integratsiyasi	129
Zuxriddin SHERNAZAROV. Abdulla Avloniyning ma’rifiy-pedagogik faoliyati	134
Феруза ЖУМАЕВА. Ўзбек оиласарида ёшларнинг оиласий тарбия ҳақидаги тасаввурларини шакллантириш	138